Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 15-yanvar. Seshanba • 6 (31.596) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Муносабат

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК

*ҳар биримиздан огоҳлик ва ҳушёрликни талаб қилади*

**Бугун ҳарбий либос кийиш ҳар бир йигитнинг чин маънодаги орзусига айланган.**

Соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида армия сафидаги ўғлонларимиз нафақат жисмонан бақувватлиги, энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорларини пухта эгаллагани, балки юксак ақл-заковати, интеллектуал салоҳияти, мустаҳкам иродаси, халқимизга бўлган садоқатини ҳам амалда намоён этиб келмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида қайд этилганидек, Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоён этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг доимий эътибори ва ғамхўрлигини ҳар қадамда сезиб турибмиз. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг саломатлигини сақлаш, оиласини замонавий уй-жойлар билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Ватан ҳимоячилари куни арафасида Президентимизнинг Фармонига биноан мен ҳам «Шуҳрат» медали билан тақдирландим. Бу ғамхўрлик ва эътиборга муносиб бўлишга, Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз хотиржамлиги йўлида хизмат қилишга ҳамиша шаймиз.

Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони табрикда минтақамиз ва дунё тинчлигига хавф солаётган хавф-хатарлар ва таҳдидлардан бизни огоҳлантирди, ҳушёрликка чақирди. Дарҳақиқат, ён-атроф таҳдид ва хавотирларга тўла ҳозирги шароитда ҳар доим сергак бўлиш, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш бизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Жўрақул МАМАДАЛИЕВ,**
**Мудофаа вазирлиги Қарши ҳарбий госпиталининг шифокор-жарроҳи, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

Бандлик

## ЯНГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

*амалга оширилиши натижасида аҳолининг иссиқлик ва электр қувватига бўлган талаби тўлароқ қондирилади*

**Навоий иссиқлик электр станцияси очиқ акциядорлик жамияти тизимдаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади.**

Давлатимиз раҳбарининг «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва техникавий жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича корхонада 5 та йирик инвестицион лойиҳа устида жадал иш олиб борилмоқда. Улардан бири — қиймати 468 миллион АҚШ долларига тенг 478 мегаваттли буғ-газ қурилмаси бўлиб, унда ҳозирда синов-созлаш ишлари якунига етказилаяпти. Шунингдек, 28 миллион АҚШ доллари миқдоридаги газ компрессор қурилмасида ҳам сўнгги юмушлар бажарилмоқда.

— Қиймати 516 миллион АҚШ долларига тенг яна бир қуввати 450 мегаваттли буғ-газ қурилмасини қуриш лойиҳасининг жорий этилиши режалаштирилмоқда, — дейди ОАЖ ахборот хизмати бошлиғи Истам Ҳамроев. — 2015 йилнинг охирига бориб ушбу иншоот тўла қувватда ишга тушади. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши йилига миллиардлаб кубометр табиий газ ёқилғисини иқтисод қилиш билан бирга, саноат ривожланган минтақамизда электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчилари талабларини янада тўлароқ қондириш имконини беради.

Вилоят энергетика мажмуасидаги бундай бунёдкорликлар самараси нафақат Навоий, балки Самарқанд ва Бухоро вилоятларида истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда хонадонларининг чароғон бўлишига хизмат қилади.

**Илҳом САТТОРОВ**

Қулайлик

## «ISUZU» АВТОБУСЛАРИ

**Денов тумани аҳолисининг узоғини-яқин, оғирини-енгил қилмоқда**

Аҳолига арзон, сифатли ва қулай хизмат кўрсатиш мақсадида ўтган йили «Файз» масъулияти чекланган жамияти томонидан Денов туманига 30 та «ISUZU» автобуси олиб келинган эди. Айни кунларда улар шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида аҳолининг узоғини-яқин, оғирини енгил қилмоқда.

Яқинда тумандаги «Сина» масъулияти чекланган жамияти ва «Денов савдо таъминот» савдо ишлаб чиқариш корхонаси томонидан яна 8 та автобус келтирилди. Жорий йилнинг баҳоригача уларнинг сони 50 тага етиши кўзда тутилган.

— Туман марказидан 15 километр олисда яшаймиз, — дейди Карим Хандалов номли маҳаллада истиқомат қилувчи Маъруфжон Бўронов. — Шаҳарга бориб-келишга қийналардик. Ёзнинг иссиқ ва қишнинг совуқ кунларида улов кутиб, тоқатимиз тоқ бўлган ҳолатлар кўп бўлган. Янги йўналишларда замонавий ва йўлкира ҳақи арзон автобусларнинг иш бошлагани олис қишлоқ ва тоғли ҳудудларда яшаётган аҳоли учун айни муддао бўлди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЎзХДП ташаббуси билан








Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

## ВАТАН ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

**ЎзХДП Марказий Кенгаши Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 21 йиллиги муносабати билан «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» мавзусида давра суҳбати ташкил этди.**

Тадбирда партия Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, офицер ва курсантлар, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари иштирок этди.

Таъкидландики, юрт тинчлиги ва халқ хотиржамлиги Ватан ҳимоячилари хизматига боғлиқ. Шу боис уларнинг хизматини қадрлаш, оилаларини уй-жой билан таъминлаш, турмуш шароитини янада яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ФАРОВОНЛИКНИНГ АЖИБ МУЖДАЛАРИ ⇨ 3



ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИ
*турмуш қураётган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ* ⇨ 3

МАҚСАД — ФАҚАТ ЧЕМПИОНЛИК ЭМАС ⇨ 4



Давра суҳбати

## ЮРТИМИЗ ЯНАДА ОБОД, ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛАДИ

**Давлатимиз раҳбари 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилар экан, шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурининг устувор йўналишларини белгилаб берди.**

Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш туйғуларини кучайтириш, аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласи, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш шулар жумласидандир.




Табиийки, бу вазифаларни бекаму кўст адо этиш давлат ва жамоат ташкилотлари, бутун халқимиздан юксак фаолликни талаб этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш тарафдоридир. Партиямизнинг дастурий мақсадларини амалга оширишда жорий йил янги имкониятлар яратади. Шу кунларда партия ташкилотлари Обод турмуш йилида ўзининг устувор йўналишларини белгилаб олмоқда, қабул қилинадиган давлат дастурига ўз таклифларини билдирмоқда.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятида ўтказилган давра суҳбатида Обод турмуш йилининг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида сўз юритилди ва қабул қилинадиган давлат дастурига таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Давра суҳбатини Бош муҳаррир Сафар Остонов олиб борди.

(Давоми 2-бетда.)

Учрашув

**Ҳарбий қисмда «Миллий армия — миллий ғурур» мавзусида ўтган учрашув ЎзХДП Андижон вилоят кенгаши ҳамда вилоят Адлия бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилди. Унда партия фаоллари, Адлия бошқармаси масъул ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчилар иштирок этди.**

## МИЛЛИЙ АРМИЯ — МИЛЛИЙ ҒУРУР

Тадбирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тезкор ва ихчам, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, жанговар тайёргарликка эга миллий армия барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, юртимизда хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни таъминлашда миллий армиямиз мустаҳкам қалқонга айланди.

Шу боис Ватан ҳимоячиларининг машаққатли ва шарафли хизматларини муносиб баҳолаш мақсадида қатор имтиёзлар белгиланганини эътироф этилди. Бундай ғамхўрликка муносиб жавоб бериш — муқаддас бурч экани айтилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимини янада юксалтириш, уларда дунёда юз бераётган воқеаларни таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш долзарб вазифалигига эътибор қаратишди.

Тадбир якунида ҳарбий қисм ижодий жамоаси томонидан байрам концерт дастури намойиш этилди.

**(Ўз мухбиримиз.)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 15 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Евро | 2609,68 | 1 Дания кронаси | 357,01 | 1 Хитой юани | 320,02 | 1 Туркия лираси | 1124,81 |
| 1 АҚШ доллари | 1988,56 | 1 БАА дирҳами | 541,46 | 1 Украина гривнаси | 248,79 | 1 Швейцария франки | 2178,05 |
| 1 Россия рубли | 65,73 | 1 Миср фунти | 303,02 | 1 Малайзия ринггити | 658,90 | 10 Жанубий Корея вони | 18,83 |
| 1 Австралия доллари | 2097,14 | 1 Исландия кронаси | 15,57 | 1 Польша злотийси | 647,76 | 10 Япония иенаси | 222,14 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3210,33 | 1 Канада доллари | 2021,10 | 1 СДР | 3053,89 SDR | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Давра суҳбати

# ЮРТИМИЗ ЯНАДА ОБОД, ҲАЁТИМИЗ ЯНАДА ФАРОВОН БЎЛАДИ

**Зиёдулла ДАВРОНОВ,**
*Тошкент молия институтининг Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, ЎзХДП Марказий Кенгаши эксперти:*



— Президентимиз ўз маърузасида Обод турмуш йили давлат дастурининг устувор йўналишлари ҳақида тўхталиб, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини янада кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бу — бежиз эмас, албатта. Маҳалла кишиларнинг меҳр-оқибатли бўлиб, ҳамжиҳатликда яшашини таъминлашга хизмат қилувчи, юртимизда азалдан шаклланиб келган ноёб институт ҳисобланади. Шу боис, ҳар бир оила ва жамиятнинг фаровонлашувида маҳалланинг таъсирчанлигини янада ошириш муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Айниқса, одамларнинг ўзаро аҳил бўлиши, юрт ободлиги, тинч ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғоялари атрофида бирлашиш, бир ёқадан бош чиқариб, эзгу ишларни амалга оширишга рағбатни кучайтиришда маҳалланинг ўрни катта. Ҳақиқатан ҳам, қачонки ҳар қайси уйда, ҳар қайси маҳаллада яшаётган одам тинчлик ва осудаликнинг қадрига етиб, уни мустаҳамлашни, ҳимоялашни ўзининг бурчи, деб билса, тинчлик учун курашсагина, бу мақсадга эришиш мумкин.

Обод турмуш йили муносабати билан қабул қилинадиган давлат дастурида маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрнини янада кенгайтириш, унга янги ҳуқуқ ҳамда ваколатлар бериш бўйича вазифалар ўз ифодасини топиши зарур, деб ҳисоблайман. Шунинг билан бирга, ижтимоий ёрдамнинг тўғри тақсимланиши ҳамда манзилли бўлишида фуқаролар йиғини раисларининг масъулиятини кучайтириш керак. Бу вазифаларни ўз вақтида бажариш, маҳалла билан боғлиқ қонунларни янада такомиллаштириш ЎзХДП ташкилотлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда барча даражадаги депутатлик гуруҳлари олдига ҳам масъулиятли вазифалар қўяди. ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан 2012 йил давомида «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа бу йил ҳам изчил давом эттирилиб, юқоридаги масалалар билан боғлиқ жонли, амалий таклифларни доимий равишда тегишли ташкилотларга бериб бориш керак.

**Нигора ЭШМЕТОВА,**
*ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:*



— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар замирида энг аввало, инсон манфаати, унинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, халқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдек эзгу мақсад мужассам. Буни биргина аҳолининг мақсадли ва манзилли ижтимоий ҳимояси йилдан йилга кучайиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш орқали кишиларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади, орзу-интилишлар, эзгу ниятлар рўёбга чиқиши учун қулай шароит яратилади.

Обод турмуш йили мазмунмоҳияти замирида ҳам ана шу мақсадлар ётибди. Бу йилда алоҳида қўллаб-қувватлаш ва ёрдамга муҳтож кишилар манфаатларини таъминлаш, меҳрибонлик, қариялар уйларида яшаётган фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси масалаларида депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш олдимизда турган асосий вазифалардан ҳисобланади.

**Мамлакатимизни ҳар жиҳатдан обод қилиш барчамиздан жуда катта масъулият талаб этади. Ҳар ким ўз касбикори, ҳунари, меҳнати орқали бунга муносиб ҳисса қўшиши керак. Шунинг учун давлат дастурига аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами, айниқса, кам таъминланган ва кўп болали оилалар, имкониятлари чекланган кишиларга ўз иши, мустақил бизнесини бошлаш ёки якка тартибдаги фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли микрокредитлар ҳажмини янада кўпайтириш чора-тадбирлари киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу орқали бундай кишилар салоҳиятини рўёбга чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятлари янада кенгаяди.**

Ўтган 2012 йили партиямиз фаоллари ва депутатлар ташаббуси билан аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар, фармон ва қарорлар бажарилиши ижросини ўрганиш, давлат бюджетидан ажратиладиган ижтимоий нафақа ва ёрдамнинг аниқ манзиллилигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш йўлида муайян ишлар қилинди. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши тегишли доимий комиссиялари ва сессиялар муҳокамасига аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ қатор масалалар олиб чиқилди. Бундай ҳаракатлар партиямиз электорати манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Обод турмуш йилида шу каби саъй-ҳаракатларимиз кучайиши, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаати билан бевосита боғлиқ фаолиятимизни такомиллаштириш зарур. Шунда кўзланган мақсадларга эришамиз ҳамда халқимиз турмуши обод ва фаровон бўлишига муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Ботир ШЕРҒОЗИЕВ,**
*халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:*



— 2013 йилнинг Обод турмуш йили, деб номланиши, шу муносабат билан қабул қилинадиган давлат дастурининг белгилаб берилган асосий йўналишлари аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини кучайтиришга хизмат қилади. Хусусан, жорий йилда аҳолининг реал даромадларини ошириш, бандлик масаласини ечиш, давлат томонидан бериладиган аниқ манзилли ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш давлат ва жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалар қаторига киритилди. Буларнинг барчаси партиямиз дастурий мақсадларига уйғун ва ҳамоҳангдир.

Одам ўз оиласи, юртини ҳар томонлама кўркам ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб яшаши учун, аввало, у иш билан банд бўлиши керак. Ҳар йили парламент томонидан Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилиниб, ҳар бир туман, шаҳар кесимида аниқ вазифалар белгиланмоқда. Бу, партиямиз электорати ҳисобланадиган ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган кишилар ўз иши, доимий даромад манбаига эга бўлиши, умуман олганда, турмуш ободлигига эришишига хизмат қилаяпти.

Шундан келиб чиқиб, 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича депутатлик, жамоатчилик назоратини тизимли олиб бориш, шунингдек, партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмаларининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идоралари, фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Бунда ишга жойлашишда қийинчиликка дуч келаётган партия электорати вакилларини аниқлаш, уларнинг бандлигини таъминлашга эътиборни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳақида гап кетганда, бир масала эътиборимиз марказидан четда қолмаслиги керак. Яъни, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги асосида ишга жойлаштириш борасида яратилган имкониятлардан кўпгина ҳудудларда самарали фойдаланилмаяпти. Хўш, битирувчиларни иш билан таъминлашга тўсиқ бўлаётган муаммолар нималардан иборат?

Касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлашда, аввало, ҳудудларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш керак. Ҳудудларда мутахассис кадрларга бўлган талабдан келиб чиқиб, коллежларда йўналишлар ташкил этиш, мутахассислар тайёрлаш амалиёти, битирувчиларни иш билан таъминлаш ишлари такомиллаштирилиши лозим.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган уч томонлама шартнома шартларини бажармаган корхона ва ташкилот, хўжаликлар раҳбарларига нисбатан аниқ жазо чоралари белгиланса, айрим кўзбўямачилик ҳолатларига барҳам берилган бўларди.

**Жанглиш ҲАСАНОВА,**
*ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши масъул ходими:*



— Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, бир сўз билан айтганда, аёлларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш борасида кўплаб хайрли ишлар қилинди.

Давлатимиз раҳбари 2013 йилда аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш муҳим вазифалардан эканини таъкидлади. Хотин-қизлар жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши учун янада қулай шароит яратилаётгани барчамизни беҳад мамнун этади, албатта.

Ўтган йили хотин-қизларни ўйлантираётган, қизиқтираётган масалаларни ўргандик, уларга ечим топишга ҳаракат қилдик. Айни пайтда вилоятда пенсия ёшига етган аёллар уларга пенсия тайинлаш учун асос бўладиган ҳужжатларни тайёрлашда баъзи муаммоларга дуч келаётгани маълум бўлди. Айримларининг меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар архив ҳужжатларига тўғри келмайди. Ёки архив ҳужжатларида иш ҳақи билан боғлиқ маълумотлар кўрсатилмаган. Кимнингдир масъулиятсизлиги натижасида йўл қўйилган бу хатолар сарсонгарчиликни келтириб чиқармоқда. Собиқ иттифоқ давридаги кўп корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар фаолияти тугатилган, иш ҳақлари ҳақидаги маълумотларни топишнинг имкони йўқ.

Обод турмуш йилида шу масала ечимига давлат идоралари эътибори кучайтирилса, аёлларнинг манфаати билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Яна бир масала ҳақида тўхталмоқчиман. Баъзи бир корхона, ташкилотлар раҳбарлари аёлларга фарзанд кўриш даврида маблағ тўлашдан қочиб, уларни ишга олишга унчалик рўйхушлик беришмайди. Ушбу ҳолатларнинг олдини олиш чоралари ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак.

**Саидазим СОДИҚОВ,**
*халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси:*



— Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келгуси йилдаги муҳим вазифаларга тўхталар экан, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, жумладан, янги уй-жойлар, замонавий йўл ва коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳоли пунктларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, коммунал хизмат соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Бу эса мамлакатимизни ҳар томонлама обод қилиш, одамларимизнинг турмуш тарзини сифат жиҳатдан янада яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлиб, ўз навбатида соҳада ислоҳотларни чуқурлаштиришни ҳам тақозо этади.

Обод турмуш йили давлат дастурига сув қувурлари ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш масаласини киритиш лозим, деб ҳисоблайман. Масалан, кўп қаватли уйларда коммунал соҳада ечимини кутаётган масалалар бор. Уларнинг олдини олиш ва ҳал этишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш зарур.

Хусусан, коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммоларни бартараф этишда мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш тартиби белгилаб қўйилса, сансалорликнинг олди олинган бўларди.

ЎзХДП Сайловолди дастурида коммунал соҳада рақобат муҳитини яратиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш борасида муҳим вазифалар белгиланганини инобатга олсак, бу партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

**Илҳом ҚУРБОНОВ,**
*Оҳангарон туманидаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ижтимоий фанлар кафедраси мудири, ЎзХДП фаоли:*



— Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва аҳоли саломатлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки киши турмуши ободлиги ва фаровонлиги йўлида меҳнат қилиши учун аввало, соғ-саломат бўлиши зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Обод турмуш йилида халқимиз турмуш шароитларини янада яхшилаш, янги босқичга кўтаришда кишиларнинг саломатлигини асраш муҳим ўрин тутади. Президентимиз жорий йилда халқимизнинг саломатлигини ҳимоялаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини энг замонавий даволаш воситалари, тиббий техника билан таъминлаш, профилактика ишларини янада кучайтириш, бу соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш лозимлигини алоҳида уқтирди.

Шундан келиб чиқиб, Обод турмуш йили давлат дастурига қишлоқ врачлик пунктларини олий маълумотли, малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар режасини киритиш мақсадга мувофиқ бўлади, назаримда. Тиббиёт олий ўқув юртларида умумамалиёт врачлари айнан ҚВП учун тайёрланмоқда. Аммо уларнинг қанчаси ҚВПга бораяпти? Бу масалани чуқур ўрганиб, тегишли чораларни кўриш зарур. Эҳтимол қишлоқ врачлик пунктида ишлайдиган шифокорларга қўшимча имтиёзлар бериш масаласини янада такомиллаштириш керакдир.

Юқорида касб-ҳунар коллежларида ҳудудлардаги талабдан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш таклифи айтилди. Бу борада кўп ишлар қилинди. Аммо муаммолар йўқ эмас. Биз мутахассислар тайёрлаяпмиз. Бироқ ҳудудимизда шу касблар бўйича очилаётган иш ўринларининг аҳволи қандай? Ҳар йили тайёрланаётган кадрлар сони билан яратилаётган иш ўринлари бир-бирига мутаносибми? Ана шу саволларга жавоб бўладиган чора-тадбирлар давлат дастуридан ўрин олса, деган таклифим бор.

***Таҳририятимиз мавзу юзасидан партия ташкилотлари етакчилари, фаоллари, депутатлар, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари аъзолари ва электорат вакилларининг фикрларини кутади.***

**Беҳзод ШУКУРОВ,**
**Лазиза ШЕРОВА,**
**Гулруҳ ОДАШБОЕВА ёзиб олди.**

ЎзХДП ташаббуси билан

# ВАТАН ОЛДИДАГИ МУҚАДДАС БУРЧ

***Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:***

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда замон талабларига жавоб берадиган тезкор ва ихчам, жанговар қобилият ва салоҳиятга, яхши тайёргарликка эга миллий армия барпо этилиб, тизим ходимлари ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшларга бир қатор имтиёзлар берилди. Хусусан, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари асосида соҳа ходимларини уй-жой билан таъминлаш, маиший шароитларини яхшилаш борасида катта ишлар қилинди. Бу эса ўз навбатида, уларнинг касбга бўлган муҳаббатини ошириш, элу юртга садоқатини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

***Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳарбий кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиб, биринчи навбатда чуқур билимга эга бўлган ва замонавий фикрлайдиган, интеллектуал етук офицерларни, шунингдек, бугунги кунда армиямизнинг ўзагини ташкил этаётган юксак профессионал малакали кичик командирлар — сержантларни тарбиялаш тизимини тубдан яхшилаш ҳам Қуролли Кучлар қўмондонлиги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши зарурлигини уқтирди. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар жиҳатдан таъминланган, пухта тайёргарликка эга ҳарбий хизматчилар Қуролли Кучларимиз қудратини оширишга, осойишта ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади.

Қуролли Кучларимиз олдига қўйилган бугунги долзарб вазифалар ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади. Ватан тақдирига дахлдорлик билан яшаш, ёшларни ана шу руҳда тарбиялаш орқали Қуролли Кучлар равнақига ҳисса қўшиш мумкин.

***Наврўзбек ҲОТАМОВ, Тошкент умумқўшин қўмондонлик билим юрти II босқич курсанти:***

— Бугун оиласида ўғил тарбиялаётган ҳар бир ота-она фарзанди ҳарбий хизматга боришини орзу қилади. Чунки улар Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган аскарларнинг жисмоний чиниқишини, бўш вақтларини мазмунли ўтказиши ҳамда бекаму кўст ҳаёт кечириши учун қандай қулай шарт-шароит яратилганини, интеллектуал салоҳияти ошаётганини кўриб турибди. Энг муҳими, ота-она яхши билади, ҳарбий хизматдаги фарзанди ўзга ўлкаларни эмас, ўз юртимизни, она-Ватанимизни ҳимоя қилади. Бундан ота-оналар ҳар қанча фахрланса арзийди.

Бугун ҳарбий бурчни адо этиш ҳар бир йигит учун чинакам фахр-ифтихорга айланди. Бу эса хизмат сифатини ошириш, соҳада юқори малака ва тайёргарликка эга мутахассислар етишиб чиқиши ҳамда юртимиз осойишталигини сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

***Дурбек ХУДОЙҚУЛОВ, ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиси:***

— Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригини ўқиб, тинчлигимиз ишончли қўлларда экани, қудратли армиямиз борлигидан ва ўз навбатида, ана шундай юрт фарзанди бўлганимдан фахрландим. Ўзини Ватан ҳимоячиси ҳисоблаган, бу шарафли масъулиятни юракдан ҳис этган ҳар бир аскар, сержант ҳаётга тийрак боқади, ўз халқининг ишончидан куч олади.

Демак, ана шундай садоқатли, бугунги ва эртанги кун масъулиятини ҳис қилиб яшайдиган ёшларни тарбиялаш муҳим вазифаларимиздан биридир.

Тадбир давомида «Ватанга қасамёд» монументига гулчамбарлар қўйилиб, бир гуруҳ фахрий ҳарбийларга эсдалик совғалари топширилди.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

2013 йил — Обод турмуш йили

# ФАРОВОНЛИКНИНГ АЖИБ МУЖДАЛАРИ

**Одамзод доимо озодлик ва ободликка интилади. Худди майса қуёш нурига талпингандек. Уйини офтобрўяга қаратиб қуради, янги куннинг жамолини кўриш, тонгга салом бериш ва яратганга шукрона айтиш учун. Янги ой чиққанда эзгу ниятларини айтиб, дуо қилади. Янгиланиш, яшариш доимо инсонга бахт-саодат ваъда қилади, умрига бир ёш қўшилса-да, орзу-умидлари яшаради, янги шодликлар шабадаси тегади кўксига.**



Авваллари ҳам янги йиллар кутганмиз, мўъжизалар истаганмиз. Аммо Истиқлолдан сўнг йилларимиз худдики севимли фарзандларимиздек ўз хосиятли номлари, фазилатлари, юракка қувват бергувчи шодликлари билан ҳаёт дафтаримиз саҳифаларига кириб келаяпти. Биздан рози бўлган йилларнинг ҳаётимизда мислсиз юксалиш палласи бўлиб қолаётгани ҳар биримизга аён. «Мустаҳкам оила йили» ҳам Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги олтин пиллапоя бўлиб қолди. Давлат дастурларида кўзланган кенг кўламли тадбирлар учун жуда катта маблағлар сарфланди.

Оналик ва болалик муҳофазаси, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аёллар учун яратилаётган янги иш ўринлари оилаларнинг иқтисодий бақувват бўлишига замин яратмоқда. «Мустаҳкам оила йили» ҳаётимизга барқарорлик, фаровонлик, оилаларнинг файзу баракаси бўлиб кирди, истиқбол сари қадамларимизни дадиллаштирди. Ўз ишини, ўз бизнесини очаётган аёлларнинг саъй-ҳаракатлари бизни қувонтиради. Айниқса, қишлоқ жойларида кичик хусусий корхоналар тузиб, ён-атрофидаги опа-сингилларини иш билан таъминлаётганлар йил сайин кўпайиб бормоқда.

Кармана туманида Хосият Сафаровани барча танийди, ҳурмат қилади. Босмахонада узоқ йиллар ишлаган бу тиниб-тинчимас аёл янги аср бошида тадбиркорлар учун очилган ўқув курсларига қатнади. Қурилиш соҳасида тадбиркорлик қилиш сирларини ўрганди. Эски дастгоҳ билан ишлаб чиқаришни бошлади. Кейинчалик чет элдан замонавий технологиялар сотиб олди. 22 хил маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Турмуш ўртоғи, ўғиллари, қизи, келин-куёвлари қанотига кириб, бақувват хусусий корхонага айланди.

Хосият Сафарова хонадонига кирган одам жаннатнинг бир парчасини кўргандай бўлади. Гулзорлари, йўлаклари обод. Болалар учун кичкина ўйин боғи, арғимчоқлар, компьютерлар, стол тенниси. Барчаси — меҳнат маҳсули, ободлик нишонаси. Элнинг катта юкларига елка тутган бундай аёлларимиз кўп. Аслида уларни Мустақиллик берган имконлар фаолият майдонига олиб чиқди. Янгиликлар,ислоҳотлар уларни чиниқтирди. Ватан тақдирига чамбарчас боғланди. Аёл — Она, аёл — мураббий, аёл — ислоҳотлар жарчиси, миллатнинг паноҳи сифатида ўзини қайта кашф этди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Президентимиз хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, давлат ва жамиятни бошқаришдаги мавқеини кўтариш борасида Фармон чиқарди. 1995 йилдаги Фармонга асосан Республика хотин-қизлар қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, вилоят, туман хотин-қизлар қўмитаси раисларига ҳоким ўринбосари мақоми берилди. Бу эса ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда улкан тарихий воқеа бўлди.

Аёлларнинг қалбига, кундалик турмуш тарзига яқинлашиш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш, баркамол авлодни тарбиялашда уларнинг қанотига кириш, ҳар хил зарарли оқимларга қарши фарзандларимизда маънавий иммунитетни шакллантириш борасида хотин-қизлар қўмиталари қизғин иш олиб бормоқда. Юртбошимиз Истиқлол тонгидаёқ улуғ ишонч билан, Аёл — жамиятни дилбар, адолатли ва гўзал қилади, деб таъкидлаган эдилар. Бу эҳтиром мамлакат раҳбарининг ҳар галги нутқларида, байрам табрикларида офтобдай балқиб тургани бежиз эмас.

Президентимиз Ўзбекистон Конституциясининг 20 йиллик тантанасида сўзлаган нутқида уйимизнинг чироғи, хонадон чароғбони бўлган опа-сингилларимизнинг мушкулини осон қилиш, уларга шарт-шароитлар яратиб беришни бир лаҳза ҳам эсдан чиқармайлик, деганида қалбимиз қувончга тўлди. Бундай меҳрибонлик нишонасини Янги йил табригида ҳам яна бир карра ҳис этдик. Ушбу йилимизнинг «Обод турмуш йили» деб таърифланиши ҳам бевосита ҳар бир



оила фаровонлиги, маъмурлиги билан боғлиқ.

Оиладаги ҳар бир қувонч, ташвиш, унинг хотиржамлиги онанинг — Аёлнинг қалбига туташади. Рўзғорнинг борига барака киритадиган, йўғини бор қиладиган ҳам — Аёл. Унинг тежамкорлиги, меҳр-муруввати, сабр-тоқати оила иқлимини яратади, оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити эса миллатнинг маънавий-ахлоқий муҳитига пойдевордир. Бугунги ўзбек болаларининг дунё билан бўйлашишида ҳам, Ўзбекистон номига муносиб авлод бўлишларида ҳам аввало оила мураббийси — Оналарнинг хизмати беқиёс.

Дарҳақиқат, оналари соғлом, кучли, фозила, тадбиркор бўлган мамлакат гуллаб-яшнайди, тараққий этади. Ана шу ҳақиқатни теран ҳис қилган опа-сингилларимиз «Йил аёли» қаҳрамонлари бўлиб, «Ташаббус» танлови ғолибларига айланиб, «Ниҳол», Зулфия номидаги Давлат мукофотлари соҳиблари бўлиб, минбарларда ўз сўзларини айтмоқдалар, юксалиш китобига ўз дастхатларини битмоқдалар. Ёш оилаларга берилган имкониятлар, имтиёзли кредитлар, оналик ва болаликнинг кучли ижтимоий муҳофазаси — барчаси Обод турмуш йилининг фаровон манзараларини яратиб бермоқда. Маҳалла ва гузарларимизнинг ободлигида, элу юртнинг маъмурлигида, Ватанимиздаги ижтимоий барқарорлик ва элимизнинг тинч-хотиржамлигида азиз оналарнинг улкан ҳиссаси борлиги барчамизга аён.

Мамлакатимиз Истиқлолнинг биринчи йилларида қийин-қаттиқ, оғир кунларни бошдан кечирди. Турмуш ташвишида, йўқчиликлар гирдобида қолса ҳам Оналаримиз сабр-тоқат, некбинлик билан қийинчиликлар имтиҳонидан омон ўтдилар, уларнинг фазлу камолоти, сабот ва матонати мустақиллик йилларида янада чиникди. Истиқлолнинг дастлабки йиллари экилган ниҳоллар мева тугди, ҳосил берди. Бу йиллар Ўзбекистон оналарини яшартирди, юксалтирди, ўз қадрига етишни ўргатди. Мана энди ўз фарзанди камолини кўриб, Истиқлол берган бахтдан қувониб турибди.

Аёл — миллат онаси. Обод турмуш йили уларнинг ҳаётига янги қувончлар олиб келади. Ободлик муждалари Аёл — уй бекасининг уй рўзғоридан тортиб, эзгу орзуларига, ҳунар ила қиз-келинларнинг меҳнат кунларига, ижодкор, бунёдкор сингилларимизнинг халққа бахшида ғайрат-шижоатларига битмас-туганмас шодлик нашъу намосини бахш этади.

**Ойдин ҲОЖИЕВА,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

Иқтисодиёт ва ислоҳот

СУРХОНДАРЁ:

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар барча ҳудудларда сингари Сурхондарёда ҳам ўз самараларини кўрсатмоқда.**

Бу шаҳару қишлоқларнинг обод ва кўркамлашаётганида, воҳа аҳлининг турмуши фаровонлигида намоён бўлмоқда. Хусусан, ўтган йили вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижасида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 110,4 фоизни ташкил этиб, пилла, ғалла, пахта каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш борасида юқори ўсиш суръатлари таъминланди.

Ҳудудий инвестицион дастурга асосан 120 та янги лойиҳанинг амалга оширилиши, корхоналарни модернизациялаш, техник янгилаш, шунингдек, турли соҳа ва йўналишлардаги бунёдкорликлар туфайли жами 63 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг 8 мингтаси айнан касб-ҳунар коллежи битирувчилари ҳисобига тўлдирилди.

Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ўтган йили вилоятда жами 140 миллиард 877 миллион сўм ва 15 миллион 20 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадларига йўналтирилди. Ёш оилаларга мўлжалланган уй-жойларнинг бунёд этилаётганлиги бу борада ўзига хос аҳамият касб этмоқда.

Вилоятда эртанги кун эгалари бўлмиш ёшларнинг мукаммал таълим-тарбия олиши, уларнинг интеллектуал салоҳиятларини ривожлантириш, иқтидор ва истеъдодларини қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар кўлами кенгаймоқда. Ўтган йили Термиз давлат университети учун яна бир янги муҳташам бино қурилиб ишга туширилди, вилоятнинг чекка ва узоқ аҳоли манзилларида ўнлаб янги илм масканлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда спорт иншоотлари бунёд этилди. Мазкур муассасалар зарур жиҳозлар билан таъминланиб, замонавий талабларга жавоб берадиган қулай шароитларга эга бўлди.

Шунингдек, кўплаб янги тиббий муассасалар бунёд этилди, мавжудлари капитал реконструкция қилинди ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди. Чунончи, соғлиқни сақлаш муассасаларига тегишли 10 та иншоотни қуриш учун 26 миллиард 193 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўтган йили вилоятда 90 та ижтимоий соҳа объектларида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 41 та аҳоли пунктида ичимлик сув тармоғи қуриб битказилди. Давлат ва маҳаллий аҳамиятдаги 50 километрга яқин автомобиль йўлларида тўла ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Бир сўз билан айтганда, воҳада бунёдкорлик ишлар изчил давом этмоқда.

**Абди ҚОДИРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Хориж

# 16 ЁШЛИ ЎҚУВЧИ

*яна отишма содир этди*

**Ўтган ҳафта АҚШ мактабларидан бирида яна отишма содир этилди, дея хабар беради CNN. Бу гал Калифорния штатининг Тафт шаҳридаги «Taft High School» мактабида 16 ёшли ўқувчи 12 калибрли милтиқда сочма ўқ билан ўз тенгдоши ва яна бир ўқувчини қаттиқ яралаган. Улар ҳозир шифохонада.**



Хунрезликни содир этган ўқувчи полиция томонидан қўлга олинган. Ҳозирча унинг исми ошкор этилмаяпти.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтларда Америкада бир неча бор отишмалар содир этилган. Айбдорлар устидан суд жараёнлари давом этмоқда. Ўқ отар қуроллар савдоси назоратини кучайтириш бўйича эса чора-тадбирлар кўриш учун дастур ишлаб чиқилмоқда.

Дарвоқе, Америка суди ўтган йил 20 июлда Колорадо штатининг Денвер шаҳридаги кинотеатрда отишма содир этиб, 12 кишининг ўлимига, 70 дан зиёд кишининг турли даражада тан жароҳати олишига сабабчи бўлган 25 ёшли Жеймс Холмсга нисбатан эълон қилинган айбловлар бўйича тергов-суриштирув хулосаларини тан олди. Ж. Холмсга нисбатан прокуратура 160 та модда бўйича айблов эълон қилган.

Дастлабки маълумотларга асосланиб, «Associated Press» АА хабар тарқатишича, айбдорга нисбатан ўлим жазоси берилиши мумкин. Лекин Колорадода бир неча йилдирки, ҳеч ким ўлим жазосига ҳукм қилинмаган.

Ҳуқуқий тарғибот

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИ

## *турмуш қураётган ёшларнинг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ*

**Мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш ва жамиятда кечаётган ислоҳотларда унинг ўрни ва аҳамиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Бинобарин, оила фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий бўғини бўлиб, ушбу институтни ҳар томонлама ривожлантириш жамиятнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.**

Бинобарин, эр-хотин ўртасида мулкий муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилиши ва мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниши оила мустаҳкамлигини таъминлайди. Янги қурилаётган оилаларнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини ҳамда оилада соғлом муҳитни яратиш мақсадида амалдаги Оила кодексига олдин мавжуд бўлмаган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш»(17-модда), «Никоҳ шартномаси» (29-36 моддалар) каби бир қатор институтлар киритилди. Мазкур нормалар бугунги кунда оилавий келишмовчиликларни бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Никоҳ шартномаларини тузиш тарихи минг йилликларга бориб тақалади. Қадимги Рим ва Юнонистонда оила қураётган шахслар, энг аввало, ўзларининг мулкий муносабатлари қандай бўлиши ҳамда келажакда биргаликда орттирилган мулкни мерос қолдириш билан боғлиқ масалалар тўғрисида келишувлар имзолаганлар.

1932 йилда топилган тарихий манбалар VII-VIII асрларда бизнинг мамлакатимизда ҳам никоҳ шартномасини тузиш амалиёти мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Хусусан, мазкур битимда оила ва никоҳ шартлари, оилавий мулкий муносабатлар, никоҳланаётган шахсларнинг ўзаро ва ҳар бирининг иккала томон қариндошлари билан муносабатлари, айниқса, куёвнинг келин қариндошлари олдидаги мажбуриятлари ҳақида қимматли тарихий маълумотлар бор. Ҳужжатда Уттегин исмли турк йигит билан Дуғдунча исмли сўғд аёли ўртасида тузилган никоҳ қайд қилинган. Битимга асосан Уттегин севимли ва ардоқли хотин сифатида уни қабул қилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, зебу зийнат билан таъминламоғи ва ҳурмат-иззат қилмоғи лозим. Ўз ўрнида, Дуғдунча ҳам Уттегинни севимли ва ардоқли эр сифатида тутиши, унинг бахтли турмуши ҳақида қайғуриши ва унинг буйруқларини қонун каби бажариши керак эди.

Европада никоҳни расмийлаштириш институтининг қайта тикланиши XVIII асрнинг охирлари ва XIX асрнинг бошларига тўғри келади. Айнан ушбу даврда қитъада бозор муносабатларининг ривожланиши ушбу институтнинг қайта тикланишида муҳим роль ўйнади. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунга келиб, дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида оила қураётган шахслар ўртасида никоҳ шартномасини тузиш амалиёти кенг тарқалган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг олий қадрият сифатида тан олиниши ушбу институтнинг мамлакатимизда жорий этилишига олиб келди.

Албатта, оила қураётганда унинг мустаҳкам бўлиши ва умрбод давом этишини назарда тутиб, никоҳ тузилади. Шу билан бирга, турли хил объектив ва субъектив сабаблар асосида оилавий келишмовчилик ва тортишувлар юзага келаётганлигини ва бунинг оқибатида никоҳни бекор қилиш ҳолатлари ҳам борлигини кузатишимиз мумкин. Бундай шароитда мажорали жараённинг бирмунча тинч йўл билан кечиши, томонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши, мулк билан боғлиқ муаммоларни ўзаро келишув асосида ҳал этилишида никоҳ шартномасини тузиш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Мазкур институтни ҳаётга кенг татбиқ этиш учун оила қураётган фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бунда тегишли қонунчилик асосида эр-хотин ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан, никоҳ шартномасини тузиш тартиблари, шарт-шароитлари, оқибатлари юзасидан кенг қамровли тарғибот ишларини юритиш муҳим аҳамиятга эга.

**Мўмин ҲУСЕЙНОВ,**
**Бухоро шаҳар 1-сон давлат нотариал идораси катта нотариуси.**

# МУТОЛАА

*асабларни тинчлантиради*

**Британия олимлари тасдиқлашича, дейилади «Аргументы и факты» ҳафталиги хабарида, таранглашган асабларни тинчлантириш ва томир уришларини меъёрига тушириш учун энг мақбул усул 6-10 дақиқа давомида китоб ўқиш ҳисобланар экан.**



Киши ўзига ёққан мусиқани тинглаши эса зўриққан асабларга осойишталик бахш этиш борасида иккинчи ўринда туради. Чой ёки қаҳва ичиш ҳам бу борада кишига яхшигина ёрдам бера оларкан. Яъни кузатув-тадқиқот натижаларига кўра, 54 фоиз ҳолатда айнан шу усул самара бергани қайд этилган. Хиёбон ёки майдонларни сайр қилиш ҳам асабларга ором бағишлашини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Фарзандлар оталар ҳақида

# ОИЛА — ҲАЁТ ДОРИЛФУНУНИ

**Мана, йигирма бир йилдирки, оиламиз одатига кўра, 21 декабрда отамиз туғилган кунни биз фарзандлар йиғилиб нишонлаймиз. Падари бузрукворимизнинг эл орасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлгани, хайрли ишлари, оилага меҳрибонликлари ҳақидаги ширин хотиралардан тўлқинланамиз.**

Отамиз Тўйчибой Неъматов Наманган вилояти, Бекобод қишлоғида деҳқон оиласида туғилиб ўсди. Қишлоқ ҳаётини, оддий одамлар турмушини яхши билар эди. Яқин ўтмишнинг оғир синовларини бошидан ўтказди. Лекин ҳеч қачон ўз эътиқодига қарши бормади. Ҳар қандай вазиятда ҳам оддий одамларнинг манфаатини кўзлаб иш тутар эди. Унинг сўзлари, хатти-ҳаракатларидан биз буни сезиб турардик.

Бу меҳнатлари бежиз кетмади. Бугун ҳам унинг номини кўплаб шогирдлари, ҳамюртлари ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Биз фарзандлар бундан фахрланамиз.

Отамиз табиатан меҳрибон, дилкаш ва самимий инсон эди. Ишлари ҳар қанча кўп ёки кайфиятлари қандай бўлишидан қатъи назар юзларида табассум билан уйимиз остонасига қадам қўярдилар.

Мен Янгиқўрғон қишлоғига Фарғона шаҳридан келин бўлиб тушганимда қишлоқ шароитига тез орада кўникиб кетишим, турмуш ўртоғим Илҳомжон ака билан аҳиллиноқ бўлишимизда у кишининг эътиборлари, оталарча меҳрибонликлари катта ёрдам берган. Отамиз ҳеч қачон исмимни айтиб ёки келин деб мурожаат қилмасдилар. Доимо қизим, деб чақирар эдилар. Шунинг учун мен ҳам у кишини «дада» дер эдим. Отанинг фарзандларига, келинларига самимий муносабати, меҳрибонликлари оилани мустаҳкам, турмушни обод қилишда қанчалик муҳимлигини ўз ҳаётимиз мисолида билганман.

Отамиз ҳақида гап кетганда, ҳар биримиз хотирамизда қолган кўпдан-кўп воқеаларни бир-биримизга фахрланиб гапириб берамиз. Катта қизим Гулнора бобоси ҳақида шундай дейди: «Биз набиралар ўнга яқин эдик. Ёз кунлари болалар оромгоҳида бўлганимизда бобом келишларини орзиқиб кутардик. У киши бизга албатта олма, узум ва турли ширинликлар олиб келардилар. Ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида сўрашиб, бағриларига босиб суҳбатлашиб ўтирардилар...»

Қизим Феруза ҳам бобосини жуда яхши кўрарди. Биздан доимо қишлоққа — бобосиникига олиб боришни сўрарди. Феруза бобосини саволларга тутиб, кулдириб ўтирарди. Бир куни отамиз оила даврасида шундай деб қолдилар: «Мана, 65 ёшга ҳам кирдик, роса ишладик. Энди навбатни ёшларга топшириб, дам олсак ҳам бўлади». Бу гапни эшитиб, Феруза жуда қувониб кетди ва баланд овозда «Ҳа, тўғри айтасиз. Пенсияга чиқсангиз биз билан мазза қилиб ўйнаб юрасиз» деди. Унинг гапидан бобоси мириқиб кулган эди.

1991 йилнинг ёзида отамизнинг бироз тоблари қочади. Буни ҳеч кимга сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Лекин кўнгилда, суҳбат орасида онамиз Зуҳрахон аяга қараб, «болалардан кўнглим тўқ, ҳаммалари ўқимишли, давлатга хизмат қилиб юришибди, улар келажагидан хавотирим йўқ», деб қоладилар. Онамизнинг юраклари шув этиб «нега бундай дейсиз?» деб сўрасалар «шундай ўзим, бир болаларни эсладимда...» деган эканлар. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳеч кимга озор бермасликка ҳаракат қилардилар.

Турмуш ўртоғим Илҳомжон ака отамиз ҳаётини фарзандларимизга ҳар доим ибрат қилиб кўрсатишга интилади. Отамизнинг Чўянбой исмли акалари 1941 йил Иккинчи жаҳон урушининг бошида фронтга кетган. 1943 йилнинг кузида фронтга ёш аскарларни олиб кетиш мақсадида қисқа муддатга Наманган вилоятига махсус топшириқ билан келган. Шунда бир ҳафта уйда бўлиб, аскар қопида олиб келган катта-катта оқ қанд бўлаклари, мол гўштидан тайёрланган консерва ва қора нонларни барча қариндошларга улашиб берган экан. Урушнинг қаҳатчилик даврида бир бурда нон қадри ҳам жуда юқори бўлган.

1944 йил ёз ойларида отамизнинг акалари бедарак кетганлиги ҳақида қора хат келган. Отамиз акалари ҳақида ҳақиқатни билиш учун 1950 йилдан бошлаб кўп идораларга хатлар ёзганлар. Ниҳоят 1972 йилда Мудофаа вазирлигидан акалари қаерда дафн этилгани ҳақида хат келган. Унда шундай дейилганди: «Сизнинг акангиз кичик лейтенант Неъматов Чўян 1944 йил март ойида Молдова — Руминия чегарасида бўлган Ясси жангида вафот этган ва Молдова Республикаси Унген райони, Корнешта посёлкасида қардошлар қабристонида дафн этилган». Отамиз ўша йилнинг ўзидаёқ Қобилжон ва Йўлчибой амакиларим билан Молдовага бориб, акалари қабрини зиёрат қилиб келишган эди. 2009 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш кунида Унген райони маъмурияти ёрдамида Корнешта қишлоғидаги қардошлар қабристонида амаким хотирасига қора гранитдан хотира тоши ўрнатиш маросими ўтказилди. Хотира тошида шундай деб ёзилган: «Неъматов Чўян 1922-1944, Ўзбек заминининг ўғлони абадий хотирасига бағишланади».

Ўшанда отамиз бу воқеаларни ҳаяжон билан бизга гапириб берган эдилар. Биз уларни яхши тушунардик. Озгина бўлса-да, укалик бурчини бажарганликларидан ҳаяжонда эдилар.

Отамиз умрининг асосий қисмини қишлоқларни обод қилишга, ёш авлодга таълим-тарбия беришга бағишлади. Педагогика фанлари номзоди сифатида олимлар даврасида ҳам ўз мавқеига эга эдилар. Биз фарзандларга айтган ўгитларини яхши эслаймиз. Ҳалол меҳнат қилсангиз, кам бўлмайсиз. Ўз касбингизга эътиқод қилсангиз, қадр топасиз, деган сўзларни кўп такрорлардилар.

Инсон ўз умри давомида кўп ўқийди, устозлардан сабоқ олиб, камолга етади. Лекин энг катта дорилфунун оила, энг катта тарбиячи ота эканига ўз оиламиз, отамиз мисолида иқрор бўлганман. Биз шундай инсоннинг фарзандлари эканимиздан фахрланамиз. Отадан фахрланиш туйғуси фарзандга катта масъулият юклашини ҳам ўзимиз мисолимизда яхши англаймиз. Яна шу нарсага иқрор бўламизки, ўзидан яхши хотира қолдириш, фарзандларнинг меҳр-муҳаббатига, фахрига сазовор бўлиш ҳам катта бахт экан.

**Гуласал НЕЪМАТОВА**

Тақдимот

# «МАТОНАТ» — БУРЧГА САДОҚАТ

## *ҳақидаги фильм*

***Пойтахтимиздаги Киночилар уйида «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмасига асосан «Ўзбекфильм» киностудияси ижодкорлари томонидан яратилган «Матонат» бадиий фильмининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.***

Ватанимиз ҳимоячилари ўзларининг шарафли бурчларини уззукун садоқат ва сергаклик билан, бажараётгани учун юртимизда тинчлик барқарор, бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари давом этмоқда. Шундай мард ва матонатли Ватанимиз ҳимоячиларининг қаҳрамонликлари ҳақидаги асарлар тинчлик деб аталмиш буюк неъматнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

«Матонат» бадиий фильми ҳам ҳарбий ватанпарварлик мавзусида бўлиб, божхона ходимларининг машаққатли хизматига бағишланган.

— Фильмни суратга олиш жараёнида Божхона қўмитаси ва «Ўзбеккино» миллий агентлиги мутахассисларининг маслаҳат, таклиф-мулоҳазаларини инобатга олдик, — дейди фильм сценарийси муаллифи ва бош режиссёри Ғиёс Шермуҳаммедов. — Тасвирга олиш ишларига Навоий вилоятини танладик. Бош ижобий қаҳрамон (Боир Холмирзаев) ва салбий образни (Тоҳир Саидов) талқин этган таниқли актёрларимиз ўзларига топширилган ролларни маҳорат билан ижро этиб, фильмнинг бош ғояси — ватанпарварлик, инсонийлик мавзуларини таъсирчан қилиб очиб беришди. Фильмимизни томошабинлар ўзлари кўриб, фикр билдиради, деган умиддаман.

Ушбу фильмни Ҳамидулла Ҳасанов тасвирга олган бўлса, куйларини Дони Илёсов басталаган. Хайрулла Саъдиев, Тоҳир Миралиев, Жалол Юсупов, Жамила Ғофурова каби актёрлар фильмда эсда қоларли образлар яратишган.

**Асрор МЎМИН**

Орамиздаги одамлар

**Зомин туманидаги «Боғи шамол» масъулияти чекланган жамияти раиси Исмадиёр Жабборов тумандаги 31-умумтаълим мактабида ўқиган. Яқинда у хайрли ишга қўл урди. Унинг ташаббуси билан мактабда истеъдодли ўқувчилар ва ўқитувчиларни рағбатлантириб бориш йўлга қўйилди.**

# ТАЪЛИМ ҲОМИЙСИ

— Ўз олдига иқтидорли, билимли ўқувчилар ва муаллимларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшишдек эзгу мақсадни қўйган ушбу инсоннинг ҳомийлик ёрдамини биринчи чорак якуни бўйича 21 нафар аълочи ўқувчилар ҳамда 1 нафар энг иқтидорли ўқитувчи олди, — дейди мактаб директори Зулҳайдар Қурбонбоев.

Айни пайтда замонавий типда қурилган, энг сўнгги русумдаги таълим жиҳозлари билан таъминланган мазкур илм даргоҳида 361 нафар ўқувчига 31 нафар малакали педагог таълим-тарбия беряпти.

Шунингдек, Исмадиёр Жабборов ўз ҳисобидан туман марказидан мактабгача бўлган 3 километр йўлни асфальтлашга, 34 нафар кам таъминланган ўқувчиларни ўқув қуроллари билан таъминлашга, биринчи ва иккинчи қават фойеларини таълим-тарбияга оид кўргазмали воситалар билан жиҳозлаш ишларига ҳам бош-қош бўлди.

Юқоридаги каби саъй-ҳаракатлари учун яқинда Исмадиёр Жабборов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Таълим ҳомийси» нишони билан тақдирланди.

Орамизда Исмадиёр Жабборов сингари эзгу ишларга бел боғлаган, яхши амалларга чоғланган одамлар бор экан, ҳаётимиз янада файзли, турмушимиз бунданда обод бўлаверади.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ**

Спорт

# МАҚСАД — ФАҚАТ ЧЕМПИОНЛИК ЭМАС

**Президентимиз Ислом Каримов ҳамда давлатимиз ғамхўрлиги туфайли юртимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг ногирон ва жисмоний имконияти чекланган қатламини ҳам спортга кенгроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Муродбек ЗИЁ олган сурат.

Ана шундай ғамхўрлик самараси ўлароқ, жисмоний имконияти чекланган спортчиларимиз нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақалар, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этишаётир. Жумладан, ўтган йили футбол бўйича ампутантлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси қаторасига учинчи маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Лондонда бўлиб ўтган XIV Паралимпия ўйинларида дзюдочимиз Шариф Халилов кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, ҳамюртларимизнинг енгил атлетика, пауэрлифтинг, сузиш каби спорт турлари бўйича қайд этган натижалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Улар орасида **енгил атлетикачи Муяссар Ибрагимова**нинг 100 метр масофага югуриш баҳсларида эришган кўрсаткичи кўпчилик эътиборини тортди.

Муяссар Ибрагимова 2011 йилда Урганч давлат университети жисмоний маданият факультетини тамомлаган. Айни пайтда Урганч Олимпия захиралари спорт коллежи енгил атлетика бўлими мураббийи. У ёшларга мазкур спорт тури сирларини ўргатиш билан биргаликда мамлакат биринчилиги ва Ўзбекистон кубоги мусобақаларида ғолиблик учун майдонга тушиб келмоқда.

— Ўн ёшимдан бери енгил атлетика билан шуғулланаман, — дейди Муяссар. — Шовот туманида туғилганман. Бу спорт турига меҳр қўйишимда биринчи мураббийим Комил ака Шержоновнинг хизмати катта бўлган. Мамлакатимиз ўғил-қизларининг севимли мусобақаларига айланган уч босқичли спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада баҳсларида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилганман. Уларнинг деярли барчасида ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олганман. Айниқса, 2010 йили Андижонда ўтган Универсиада ҳаётимда унутилмас из қолдирган. Шу мусобақада бир йўла тўртта кумуш медаль билан тақдирлангандим. Бу ютуқлар эса тақдиримни кейинчалик жисмоний тарбия ва спорт билан боғлашимга туртки бўлди.

***— Сизнинг юртимизда ўтган жуда кўплаб мусобақалардаги иштирокингизни кузатганмиз. Аммо жисмоний имконияти чекланганлар ўртасидаги XIV Паралимпия ўйинларида қатнашишингиз кўпчилик мухлислар учун кутилмаган ҳол бўлди...***

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Инсон физиологиясидаги ўзгаришлар доим ҳам унинг ўз қўлида эмас. Негадир охирги икки йилда кўриш қобилиятим анча сусайиб кетди. Шу боис мураббийларим ўз омадимни Паралимпия ўйинларида ҳам синаб кўришимни маслаҳат беришди. Сўнгра мураббийим Бахтиёр Шукуров қўл остида XIV Паралимпия ўйинларига ҳозирлик кўрдим. 2012 йилнинг мартида Тунис, май ойида Францияда ўтказилган халқаро саралаш турнирларида кучлилар қаторидан жой олиб, Лондонда Ватанимиз шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлдим.

***— Лондонда ўтказилган мусобақаларда кучли саккизликдан жой олдингиз. Келинг, шу ўринда икки оғиз XIV Паралимпия ўйинлари таассуротлари билан ўртоқлашсангиз...***

— Ёзда Лондон олимпиадаси баҳсларини диққат билан кузатиб, мен ҳам Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишни мақсад қилгандим. Мусобақалар жуда муросасиз ва шиддатли кечди. 100 метр масофага югуриш баҳсларида дунёнинг АҚШ, Хитой, Япония, Бразилия сингари давлатларининг энг кучли атлетлари билан курашиш осон эмас, албатта. Саралаш босқичларидан муваффақиятли ўтгач, ўзимга бўлган ишонч янада ортди. Медаллар учун курашда ёмон натижа кўрсатмадим — 12,87. Фақатгина шоҳсупадан ўрин олишим учун бирозгина омад ва тажриба етишмади, холос. Гарчи, юртимизга мусобақанинг еттинчи натижаси билан қайтган бўлсам-да, кўнглимни чўктирганим йўқ. Агар йўл қўйган хато ва камчиликлар устида астойдил ишласам, навбатдаги баҳсларда юртимизга албатта медаль билан қайтаман.

***— Ҳозир нималар билан машғулсиз? Келгуси режаларингиз қандай?***

— Мақсадим — фақат чемпион бўлиш эмас. Ўзим орзу қилган натижаларга шогирдларим ҳам эришишини жуда жуда истайман. Айни чоғда барча эътиборни коллежда йигит-қизлар билан пухта машғулотлар ўтказишга қаратганман. Енгил атлетика бўлимида қирқ нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Улар орасида иқтидорлилари талайгина. Жумладан, Кумушой Матёқубова яқинда ўтган халқаро турнирда 1500 метр масофага югуриш бўйича совриндор бўлди. Зулфия Болтабоева, Феруза Эрнафасова сингари шогирдларимиз эса мамлакат миқёсидаги мусобақаларда доимо кучлилар қаторида эътироф қилиниб келмоқда. Ёшлар билан ишлаш менга кучғайрат бағишлайди. Бўш вақтларимда эса ўз маҳоратимни оширишга интиляпман. Ўтган йил охирида Ўзбекистон очиқ чемпионатида бронза медалига сазовор бўлдим. Амалдаги йилда ҳам бир қатор йирик мусобақаларда қатнашишни мўлжаллаяпман.

**Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.**

| ОБ-ҲАВО | 15-16 – 01. 2013 |
| --- | --- |
| **Юртимиз бўйлаб (°С)** | |
| *Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти* | |
| 0 / -5 | 0 / +5 |
| *Бухоро ва Навоий вилоятлари* | |
| -2 / -7 | +2 / +7 |
| *Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари* | |
| -2 / -7 | +2 / +7 |
| *Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари* | |
| -2 / +3 | +3 / +8 |
| *Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари* | |
| -4 / -9 | +2 / +7 |
| *Тошкент шаҳри* | |
| -2 / -7 | +2 / +7 |
| **Дунё бўйлаб (°С)** | |
| Лондон | -3 / -2 |
| Париж | 0 / -3 |
| Москва | -2 / -7 |
| Мадрид | -1 / -1 |
| Пекин | -7 / -7 |
| Канберра | -+8 / +10 |
| Рим | +4 / +1 |
| Афина | +6 / +7 |
| Токио | +2 / +4 |
| Стокгольм | -4 / -6 |
| Кейптаун | +15 / +15 |
| Қоҳира | +10 / +11 |
| Гавана | +22 / +22 |
| Вашингтон | +2 / +1 |

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G‘ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO‘LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma’naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ‘ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e’lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 146
19605 nusxada bosildi.
Nashr ko`rstkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 00.15

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5